Фарғона ҳақиқати

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИНИНГ БОШ НАШРИ

Кўнгул эрур булбули бўстони роз.
Алишер НАВОИЙ.

Сайтимизга ўтиш учун QR кодини телефонингиз орқали сканер қилинг

Газета 1917 йил 14 октябрдан чиқа бошлаган | http://farhaqiqat.uz/ | t.me/farhaqiqati | 2021 йил 4 февраль, пайшанба | № 11 (24504)

Ташрифдан ташрифгача

Муҳтарам Президентимиз 2020 йилнинг 5-6 июнь кунлари Фарғона вилоятига амалга оширган ташрифи давомида шаҳар-туманлар билан онлайн мулоқот ўтказди. Тошлоқ туманидаги “Экспо колор прин текс” кластер корхонаси раҳбари бўлган тадбиркор Абдуқаҳҳор Жўрабоевнинг ислоҳотлар мазмун-моҳияти ҳақидаги фикрлари маъқул бўлиб, у йиғилишнинг ўзида масъулиятли вазифага – Тошлоқ тумани ҳокими лавозимига тайинланди.

ТАДБИРКОРДАН ЧИҚҚАН ҲОКИМ

Яқинда мухбиримиз туман ҳокими билан раҳбар сифатидаги илк тажрибалари, режа-мақсадлари хусусида суҳбатлашди.

— Давлатимиз раҳбарининг юксак ишончи зиммамга жуда катта масъулият юклади. Бир тадбиркорга билдирилган эътибор ва рағбатга муносиб бўлиш учун астойдил ишлаяпман,— дейди Абдуқаҳҳор Жўрабоев. — Ҳоким сифатида дастлаб ижтимоий соҳаларни ислоҳ қилишга киришдим. 2020 йилнинг ўзида туманда 10 дан ортиқ мактаблар мукаммал таъмирдан чиқарилди. 4-мактаб филиалига 6 км. дан қатнаб ўқийдиган ўқувчилар учун янги мактаб қурилди. 4 та мактабгача таълим муассасаси фойдаланишга топширилди, 10 та янги боғча қуриш режалаштирилди. Туман тиббиёт бирлашмаси ва кўп тармоқли поликлиника учун замонавий беш қаватли бино қурилиши бошланди, қишлоқ оилавий поликлиникалари ва қишлоқ врачлик пунктларини таъмирлаш-жиҳозлаш, фаолиятини қайтадан тиклашга киришилди.

Эзгу ташаббусга кўра, замоанавий тиббиёт мажмуасида республика тиббий-илмий марказлари билан ҳамкорликда мураккаб жарроҳлик амалиётлари ўтказилади, бу соҳада тошлоқлик шифокорларнинг илмий ишлар олиб бориши рағбатлантирилади. Тиббиёт муассасаларининг бирламчи бўғини интернет тармоғига уланиб, электрон навбат, УЗИ-диагностика сингари замонавий хизматлар йўлга қўйилади. Тез-тиббий ёрдам бригадалари моддий-техник базаси яхшиланади.

Тошлоқ тумани маркази замонавий шаҳарсозлик меъморчилиги анъаналари, ландшафт архитектураси асосида янгича қиёфада намоён бўлмоқда. Ичимлик ва оқова сув тармоқлари, электр, табиий газ таъминоти, транспорт-коммуникация хизматлари сифати яхшиланяпти. Туман марказида Давлат хизматлари агентлиги, Ёшлар ва ҳунармандчилик марказлари, “Тадбиркорлар уйи”, кутубхона, савдо, хизмат кўрсатиш ва ҳордиқ масканлари қад ростлади.

Вилоят ҳокими ташаббуси билан «Ахшак» МФЙда янги шаҳарча бунёд этиляпти. Ҳозирги кунда режадаги 19 та кўп қаватли уйларнинг 8 таси қуриляпти. Шу кунларда истироҳат боғи, аттракционлар ва қолган кўп қаватли уйларни қуриш ишларига ҳам тўлиқ киришилади.

Шунингдек, тумандаги 4 та сектор ҳудудида 2 тадан – 8 та кичик саноат зоналари ташкил этилади. Бугунгача 30 гектар майдонда 5 та кичик саноат зонаси ўз фаолиятини бошлади. Айтайлик, «Бешолиш» МФЙда ташкил этилган кичик саноат зонасида фармацевтика, кенг ассортиментдаги саноат ва нефть маҳсулотлари ишлаб чиқариш, қайта ишлаш йўлга қўйилмоқда.

2021 йили туманда 170 та лойиҳа доирасида 1 триллион 300 миллиард сўмдан ортиқ маблағ жалб этиш, қарийб 8,5 мингта янги иш ўрни яратиш кўз тутилган. Икки мингта иш ўрни “Темир дафтар”, “Ёшлар дафтари” ва “Аёллар дафтари” рўйхатига киритилган оила аъзолари учун ажратилади.

Бу йил туманда саноат салоҳиятини янада ошириш белгиланган. Шу тариқа жорий йилда режалаштирилган 50 миллион долларлик саноат маҳсулотлари экспорти кўрсаткичини 120 миллион долларга етказиш мақсад қилиняпти. Бунинг натижасида, энг аввало, солиқ базаси кенгаяди, аҳолининг турмуш фаровонлиги ортади. Шу тариқа мамлакатимиз тараққиётининг бугунги босқичида амалга оширилаётган ҳаётбахш ислоҳотлар ҳар бир ҳудудни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ривожлантириш имконини бераётгани билан аҳамиятлидир.

Туманда қишлоқ хўжалиги, хусусан, пахта-ғаллачилик, интенсив боғлар, наслли чорва, паррандачилик, аҳоли томорқаларида иссиқхона хўжаликларини ривожлантириш каби тармоқларда олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар ҳам эътиборга лойиқ. Тошлоқликлар ер билан тиллашиш ва диллашиш ҳадисини олган. Бу борадаги ишлар қўламини давр талаби ва эҳтиёжи асосида ривожлантириш учун туман аҳлида ҳаётий тажриба, салоҳият етарли. Барчани ана шу муштарак мақсад йўлида жипслаштириш керак.

Яхши тадбиркор яхши ҳоким бўла олади, албатта. Аслида эл чорлаганда “лаббай!” дея хизматда камарбаста бўлиш, ҳар биримизнинг Ватан олдидаги фарзандлик бурчимиздир.

Суҳбатни Ботир МАДИЁРОВ ёзиб олди.

Муҳаррир минбари

Илгари ҳеч қачон муаммонинг ечими қуйидан юқорига қараб юрган эмас. Ҳамиша масала юқорида муҳокама қилинган, сўнг тегишли қарор қабул қилинган. Бу билан қуйидагилар муаммоси тўлиқ ечилганми, ҳал бўлмай қолганми, ҳеч кимнинг иши бўлмаган.

АЗАЛИЙ ҚАДРИЯТНИНГ ҚАЙТИШИ

Президентимиз “маҳаллабай”, “хонадонбай”, “фуқаробай” юриб ўрганиш, умумлаштириш, ечимини топиш деганларида, очиғи, аввалига ие наҳотки, давлат мулозимлари “юқори”дан пастга тушиб, масала, муаммо ечимини пастдан бошлайдими, деганлар бўлди.

Ҳаёт ҳақиқати шуки, бугун Фарғонада шундай бўляпти. Бугун Ўзбекистонда шундай бўляпти. Вазирдан Бош вазир ўринбосари, Президент девони мулозимларигача маҳаллама-маҳалла, хонадонма-хонадон юришибди ва ҳар бир юртдошимизнинг эшигини тақиллатиб кириб боришяпти, хонадон эгаларининг қалб эшигини очиб киришяпти. Йўқ, осмондаги ойни олиб бераман, деган ваъда берилаётгани йўқ. Инсоний муносабатлар йўли билан айнан шу хонадон, унинг аъзолари бугун қандай орзу-умидлар билан яшаяптилар, муаммолари нима – булар ўрганиляпти. Одамлар ҳайрон. Наҳот уйимизга ҳол сўраб келган одам вазир, ҳоким, прокурор ва бошқа амалдорлар бўлса, деб. Аввалига улар ҳадиксираб, расмиятчилик учун гаплашмоқдалар. Саволларга “ҳа”, “йўқ” дейдилар. Кейин, давлатимиз раҳбарининг мақсадларини билишгач, тўсатдан юракларини оча бошладилар.

Бир оилада ота ногирон, нафақа олади. Она қизлик уйида тикувчиликка ўрганган. Аммо сепида тикув машинаси келмаган. Фарзандларининг кичиги – қизи педагогика коллежини тугатган. Боғчадан бўш иш ўрни тополмаган. Катта фарзанд – ўғли политехника институтига контракт асосида ўқишга киргану тўлов қобилияти йўқлигидан ўқишга бормаган. Бақувват йигит, ҳовлисидаги томорқани гуллатиб қўйибди, аҳён-аҳёнда кимникида ер, ариқ чопиш бўлса, ёлланма ишчиликка чиқади. Оиланинг асосий манбаси — нафақа. Қизиғи шундаки, ҳаётдан нолимайдилар.

“Маҳаллабай” ўрганиш чоғи оила бошлиғига электр жиҳозлари йиғиш хусусий корхонаси касаначи усулида иш таклиф қилди. Ҳозир касаба уюшмалари аёлига тикув машинаси олиб беришни расмийлаштиряпти. Қизлари эса рўйхатга олинди. Яқин атрофдаги мактабгача таълим ташкилотларидан вакант жой изланяпти. Катта фарзанд – ўғилларига мономарказда касб ўрганиш таклиф этилди.

БИТТА ОИЛА. 4 ТА ЖОН. 4 ТА ТАҚДИР. 4 ТА МУАММО. Булар бугун юзага чиқяпти. “Маҳаллабай”, “хонадонбай” ўрганилганида, одамларнинг қалбига йўл топа билинганида юзага чиқяпти. Уларнинг масаласи бир кунда ҳал бўлиб қолмайди. Албатта, бунга маълум вақт, ташкилий ишларни амалга ошириш керак. Аммо муҳими, энди бу оилага аниқ ташхис қўйилди. Гап уни “даволашда” қолган.

Илгари ҳам амалдорлар маҳаллаларга бириктирилгандику! Илгари ҳам йиғилишларда фалонча маҳалла, фалонча кўча, фалонча фуқаро ўрганилди, деган ҳисоботлар янгрардику. Аниқлангач, муаммолар ҳал этилди, дейилардику! Унда нега бугунги ҳолатга дуч келяпмиз.

Наҳотки, юзаки, ҳисобот учун бўлган чиқса ўша гаплар. “Хонадонбай” ўрганишнинг афзаллиги ҳам шунда. Бугун қозондаги чўмичга чиқяпти.

Академик Бўрибой Аҳмедов бир мақолаларида ёзганди, буюк бобокалонимиз Амир Темур ҳар гал юришлар, сафардан қайтгач, албатта, фуқаролар ҳолидан бир-бир хабар олдирар эканлар хуфиялар орқали. Мен сафарда эканимда халқим қандай аҳволда яшаяпти экан, дерканлар. Демак, “маҳаллабай”, “хонадонбай” ўрганиш янги институт эмас, балки илдизи минг йилларга бориб тақаладиган қадрият экан. Бугун ана ўша Темур ва темурийлар давридаги миллий қадриятларимиз замонавий кўринишда яна қайтди.

Муҳаммаджон ОБИДОВ.

Вилоят ҳокими кубоги «БУНЁДКОР»да!

Кеча анъанавий “Вилоят ҳокими кубоги — 2021” халқаро турнири якунланди. Икки ҳафта давомида 16 та жамоа бош соврин учун кураш олиб борди. Гуруҳ ўйинлари, чорак ва ярим финал учрашувларидан сўнг финалда Тошкентнинг “Бунёдкор” ва Фарғонанинг “Истиқлол” жамоалари майдонга тушди.

Финал учрашувидан олдин «Нефтчи» ўйингоҳида 3-ўрин учун «Нефтчи» ва «Қўқон-1912» жамоалари ўртасида кечган баҳсда қўқонликлар 2:0 ҳисобида зафар қучишди.

Турнир финали Фарғона давлат университети ўйингоҳида бўлиб ўтди. Мухлислар 90 дақиқа давомида ҳужумкор ўйиннинг гувоҳи бўлишди.

Суперлига жамоаси – «Бунёдкор» учрашувнинг бошиданоқ ташаббусни ўзида сақлаб қолишга ҳаракат қилди. Ўз навбатида, Анвар Бердиев бош мураббийлик қилаётган «Истиқлол» жамоаси тажрибали рақибларига муносиб қаршилик қилди.

Ҳисоб 20-дақиқада очилди. “Бунёдкор” ярим ҳимоячиси Нурилло Тўхтасинов бурчакдан ошириб берган тўпни ҳужумчи Лутфулла Тўраев боши билан дарвозага аниқ йўллади. Ўтказиб юборилган тўпдан сўнг фарғоналиклар қарши ҳужумга зўр беришди. Бироқ биринчи бўлим охиригача ҳисоб ўзгармади.

Иккинчи бўлим бошида “Истиқлол” ҳисобни тенглаштирди. Кетма-кет уюштирилган ҳужумлардан бирини Сардор Сотволдиев аниқ ниҳоясига етказди.

Учрашувнинг 70-дақиқасига келиб Лутфулла Тўраев жамоасини яна олдинга олиб чиқди. Ўйин тугашига яқин қолганда “Бунёдкор” ҳисоб орасидаги фарқни учтага оширди. Тошкентликлардан Фаррух Икромов ва Расул Йўлдошев муқаррар ғалабани мустаҳкамлади (4:1).

Финал учрашуви якунланган-дан сўнг турнир ғолиби «Бунёдкор» жамоасига ғолиблик медаллари, 50 миллион сўмлик сертификат ва вилоят ҳокими кубоги тантанали топширилди.

Шунингдек, совриндорлар — “Истиқлол”, “Қўқон-1912” жамоалари футболчиларига ҳам эгаллаган ўринларига муносиб медаллар топширилди. Турнирнинг “Энг яхши дарвозабони” — Фаррух Турдиалиев («Истиқлол»), “Энг яхши ҳужумчи” — Шоҳназар Норбеков («Қўқон-1912»), ”Энг яхши мураббий” — Илҳом Мўминжонов («Нефтчи»), “Энг яхши ўйинчи” — Анвар Ҳожимирзаев («Истиқлол») эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Рустам ОРИПОВ, Аброр ДЕҲҚОНОВ. Шерзод ҚОРАБОЕВ олган суратлар.

Хабарингиз БОРМИ?

Фарғонадан Урганчгача “бир қадам”

Қадимий Хоразм воҳаси ўзининг тарихий меъморий обидалари, муқаддас зиёратгоҳлари, хушманзара табиати, бетакрор қадрият ва анъаналари билан жаҳон сайёҳларини ўзига ром этиб келади. Айниқса, халқаро сайёҳлик марказларидан бири саналган Хива бежиз очиқ осмон остидаги музей сифатида эътироф этилмаган. Бу шаҳар ҳудудида аждодларимизга тааллуқли 120 дан ортиқ археологик ёдгорликлар ва меъморий обидалар сақланиб қолган бўлиб, улар давлат муҳофазасига олинган.

Тарихий қиёфасини ва Ўзбекистоннинг бой миллий маданий меросини ўзида сақлаб қолган Урганч ва Хива шаҳарларини зиёрат қилмаган юртдошларимиз кўпчиликни ташкил қилади. Бунга йўлнинг олислиги сабаб бўлаётгани ҳам бор ҳақиқат.

Мамлакатимизда ички туризм ривожлантирилаётган жараёнда “Uzbekistan airways” авиакомпанияси томонидан Урганч — Фарғона — Урганч авиақатновининг йўлга қўйилгани муаммонинг ижобий ечими бўлди, дейишимиз мумкин.

Мазкур авиақатнов билан кеча, 3 февраль куни хоразмлик юртдошларимиз Фарғонага етиб келишди. Айни шу самолётда фарғоналик сайёҳ, тадбиркор ва хизмат сафарига бораётганлар Урганчга учиб кетдилар. Жорий йилнинг 11 февралидан эса ҳафтанинг пайшанба ва шанба кунлари йўналиш бўйича мунтазам авиақатновлари йўлга қўйилади.

Жадвалга кўра, самолёт Урганчдан соат 10:55 да ҳавога кўтарилади ва Фарғонага 12:35 да етиб келади. Фарғона аэропортидан Урганчга парвоз қиладиган самолётнинг учиш вақти соат 14:05 га белгиланган. Урганчга қўниш вақти соат 15:45.

— Узоқ масофани яқин қилаётган мазкур авиақатнов Фарғона водийси фуқаролари учун мўлжалланган, — дейди ”Фарғона халқаро аэропорти” МЧЖ директори Темур ХАЛИЛОВ. – Бундай қулай имкониятдан тадбиркорлар, хизмат сафарига борувчи ходимлар, кўҳна шаҳарларга саёҳат қилишни ният қилган зиёратчилар фойдаланишлари мумкин.

Р. ЖУМАЕВ.

ЖАРАЁН

Маҳалла институти халқимизнинг дунёда ўхшаши йўқ, энг ноёб эзгу фазилати саналади. Асрлар мобайнида авлоддан-авлодга ўтиб, сайқалланиб келаётган бу қадрият бугун давр шиддати ва ўзгаришларига ҳамоҳанг тарзда ривожланиши учун изчил саъй-ҳаракатлар олиб бориляпти.

МАЪЛУМОТ

МАҲАЛЛАЛАРНИНГ КЎРСАТКИЧЛАРИ АНИҚЛАНДИ

ВАЗИРЛИК ВА ТАРМОҚЛАР, БАНКЛАР ВАКИЛЛАРИДАН ИБОРАТ ИШЧИ ГУРУҲ

Фарғона вилоятидаги 1 минг 41 маҳалла фуқаролар йиғинида "маҳаллабай" ишлаш тизимини жорий этиш ишларини олиб бормоқда. Улар томонидан уйма-уй юрилиб, шароит ва имкониятлар ўрганиляпти. Маҳалланинг "Ўсиш нуқталари" аниқланиб, ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича дастурлар ишлаб чиқилиши белгиланган.

ВИЛОЯТ МАҲАЛЛА ВА ОИЛАНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ БОШҚАРМАСИДАН олинган маълумотларга қараганда, маҳалла фуқаролар йиғинлари фаолиятига оид асосий кўрсаткичларни тизимли мониторинг қилиш йўлга қўйилган. Ҳозирда шаҳар ва туманларда 144 та намунали, 523 та яхши, 371 та қониқарли ҳамда 3 та қониқарсиз маҳаллалар бор.

Шунингдек, айни кунларда маҳалла фуқаролар йиғинларини иқтисодий ривожлантириш, "Ўсиш нуқталари"ни аниқлаш мақсадида тоифаларга ажратиш жараёни бошланган.

ДАСТЛАБКИ НАТИЖАЛАРГА КЎРА

143 та "қизил" — 679 та "сариқ" — 219 та "яшил"

ҳудудга кирган маҳаллалар борлиги маълум бўлди.

ҲУДУДЛАРДА ФАРҒОНА ТАЖРИБАСИ ҚАНДАЙ МЕЗОНЛАР АСОСИДА ЯРАТИЛАДИ?

Президентимиз ташаббуси билан "маҳаллабай" ишлаш тизимининг жорий этилиши аҳоли фаровонлигини юксалтириш, бандлигини таъминлаш ҳамда даромадини янада яхшилашга хизмат қилади.

Фарғонада илк бор ҳаётга татбиқ этилаётган "маҳаллабай" тизимида туман-шаҳарлардаги иқтисодий комплекс ходимлари ҳар бир маҳаллага бириктирилиб, ўз соҳасига доир маслаларни ҳал қилиб бориши белгиланмоқда. Айни кунларда вилоятимизда тажриба сифатида аҳоли билан ишлашда мазкур янги тизимни кенг жорий этиш мақсадида мавжуд имкониятларни ўрганиш ва сарҳисоб этиш ишлари давом этмоқда.

Бу борада аниқ режа асосида вазирликлар, республиканинг тегишли масъул идоралари, тижорат банклари вакилларидан иборат ишчи гуруҳлар вилоятдаги 1 минг 41 та маҳаллада ўрганишлар олиб бормоқда. Шунингдек, ҳудудларга бириктирилган иқтисодий комплекс ва банклар вакиллари хонадонма-хонадон юриб, аҳолининг муаммоларини тинглаяпти. Маҳалланинг "Ўсиш нуқталари" аниқланиб, иқтисодий ривожлантиришнинг энг нуҳ ияк устувор йўналишлари белгиланяпти.

Қува туманидаги 65 та маҳалла фуқаролар йиғинида 45 минг 875 та хонадон бор. 261 минг нафардан зиёд аҳолининг 11 фоизини ишсизлар ташкил этади. Аксарият маҳаллаларда одамлар кўчатчилик, гулчилик, аноручилик билан шуғулланади. Туманда тадбиркорлик ҳам яхши ривожланган. Хўш, ушбу жараёнда Қувада "маҳаллабай" тизими қандай мезонлар асосида жорий этилмоқда?

Таъкидлаш жоизки, маҳалла раислари ва ўринбосарларига амалий ёрдам бериш мақсадида ишчи гуруҳлар бириктирилди. Айни пайтда ҳар бир кўча ва оила кесимида таҳлил ва сарҳисоб ишлари олиб борилянти.

"Мустақиллик" маҳалла фуқаролар йиғинидаги касб-ҳунарга ўқитиш маркази ўтган йилнинг ноябрь ойидан фолият бошлаб, пазандачилик, аёллар ва эркаклар сартарошлиги, тикувчилик йўналишида "Аёллар дафтари", "Ёшлар дафтари"даги муқим даромад манбаига эга бўлмаган ишсиз аҳоли ўқитиляпти. Ҳозирги кунга қадар 40 нафар қисқа муддатли ўқув курсини тамомлаганларга ишлаш ҳуқуқини берувчи сертификатлар топширилди. Айни кунларда ўқув курсларида 63 нафар маҳаллий аҳоли вакиллари касб-ҳунар ўрганишга жалб этилиб, ойига 300 мингдан 679 минг сўмгача стипендия ҳам бериляпти.

Малика КАРИМОВА

"Мустақиллик" МФЙ, Талабалар кўчасининг 560-уйида яшайди. 2016 йили Қува агросаноат коллежини тамомлаган бўлса-да, ишга жойлаша олмаган эди. Шундан сўнг ота-оналари турмушга узатишди. Иши, касбининг тайини бўлмагани ёш оила бекаси бошидан не-не қийинчиликларни ўтказмади, дейсиз!

— Маҳалламизда касб-ҳунар мактаби очилгани айни муддао бўлди, — дейди Малика Каримова. — Ҳозирги кунда пиширириклар тайёрлаш гуруҳида ҳунар ўрганяпман. Бундан бўён оиламнинг доимий тирикчилик манбаи бўлади. Шу боис кўнглим хотиржам. Ўқув курсини тугатиб сертификат олгач, шартнома асосида маҳалламиздаги савдо дўконлари ва умумий овқатланиш шохобчаларига ширинликлар, бир зумдалик егуликлар тайёрлай сотишим мақсад қилганман. Оилавий маросимлар, байрам тадбирлари учун ҳам буюртма асосида ширинликлар тайёрлаб бераман.

Жамолиддин ОДИЛОВ саккам ўн йиллик тажрибага эга эркаклар сартароши. У айни пайтда ўқув марказида 9 нафар маҳалла ёшларига ҳунарини ўргатяпти. Уч ойлик ўқув курсидан сўнг барча шогирдларини ёнига олиб, туман марказида замонавий эркаклар салони очишни режалаштирмоқда. Бу мақсадини рўёбга чиқариш учун Қува тумани ҳокимлиги бўш турган бинодан алоҳида жой ажратиб берадиган бўлди.

Қува тумани бандликка кўмаклашиш маркази директори Акбархон Султоновнинг қайд этишича, жорий йилда туманнинг энг чекка ҳудудларида яна 5 та касб-ҳунарга ўқитиш марказлари фаолиятини йўлга қўйиш режалаштирилмоқда.

Фарғона вилояти

Қува тумани марказидан 15 километр узоқда жойлашган "Сойгузар" маҳалла фуқаролар йиғини "кизил" тоифага киритилган бўлиб, бугунги кунда хонадонма-хонадон ўрганиш ишлари олиб борилмоқда.

Шу асосда "йўл харитаси" ва маҳаллани ҳар томонлама ривожлантириш учун алоҳида дастур тайёрланди. МФЙ раиси Абдумуқтор Халиловнинг айтишича, 386 та хонадондаги аҳоли асосан томорқачилик билан шуғулланади.

Маҳалласда умуман саноат корхонаси йўқлигини инобатга олиб, бўш турган собиқ мактаб биноси ҳудудида кичик саноат зонаси ташкил этишга киришилди. Ишчи гуруҳи томонидан амалга оширилган саъй-ҳаракатлар туфайли хозирга қадар маҳалланинг кўчатчилик, сабзавотчилик, ҳунармандчилик ёки бошқа ишлаб чиқариш иншоотлари аниқланди. Ўтган қисқа фурсатда 71 та хонадонда иссиқхона ташкил этиб, мавсумий гуллар ва сабзавотлар етиштириш тақлиби бидиришмоқда.

АТБ "Инотекбанк", "Қишлоққурилишбанк" мутахассислари Сойгузар кўчаси, 171-уйда яшовчи Нурали Қурбоновлар оиласида бўлди. Оиланинг 5 нафар аъзоси томорқадан йиллига тўрт маротаба хосил олади. "Қишлоққурилишбанк"нинг Қува тумани филиали бошқарувчиси ўринбосари Беҳзод Абдурахимов оила сохибига иссиқхона қуриш ва томорқани улкан даромад манбаига айлантириш учун йиллик 16 фоиз асосида уч йилга, олти ойлик интиёзли давр билан 30 млн. дан 500 млн. сўмгача кредит ажратиш имкониятини тушунтирди.

Ғайратжон Султонов маҳалланинг ёш тадбиркорларидан. Унинг рахбарлигидаги "Водий турфа гуллари" МЧЖда 60 нафар кишилоқ ёшлари иш билан таъминланган.

Ёш тадбиркор буюртма асосида аҳолига гуллароннг қуртагини бериб, етиштирилган кўчатни яна ўзи сотиб олади. Қишлоқдошлари бундан яхши даромад топади. Ғайратжон эса гул кўчаталарини Польша, Россия ва Қозоистонга экспорт қилиб келмоқда. 2021 йилнинг январь ойида 140 минг долларлик маҳсулот экспорт қилди.

Республика ишчи гуруҳ аъзолари "маҳаллабай" ўрганишлар асосида бу тадбиркор билан мулоқот қилди, режалари билан танишди. Тадбиркор корхонасини кенгайтириб, гулчиликни янада ривожлантириш мақсадида 5 миллиард сўм кредит зарурлигини билдирди. Унга маҳалладаги кичик саноат зонасидан 2,7 гектар жой ажратилди ҳамда "Ипотекабанк" томонидан кредит берилдиган бўлди. Бу оркали эса яна 100 нафар ёшлар бандлиги таъминланади.

Тумандаги 10-мактабнинг бўш турган биносида "Улуғ Имрон" масъулияти чекланган жамияти томонидан тикув трикотаж маҳсулотларини ишлаб чиқариш фаолияти йўлга қўйилган бўлиб, йил бошида 120 та иш ўрни яратилди. Тадбиркор электр энергия узлуксиз таъминланиб, бўш турган бино-иншоот баланс қийматида берилса, 4,5 миллиард сўм инвестиция киритиб, қўшимча тўқув ва бичув цехларини ташкил этиш эвазига 200 дан зиёд янги иш ўринлари яратишни мўлжаллямоқда.

Ҳар бир маҳалланинг даромад манбаи, "Ўсиш нуқтаси" бор. Бундан бўён уйма-уй юриб, уларни қийнаётган масалаларни ҳал этиш орқали аҳолини ҳаётдан рози қилишга эришиш мумкин. Зеро, маҳалла истиқомат қилаётган ҳар бир оила иш билан банд бўлса, доимий даромад манбаи таъминланса, юрт тараққиёти ва аҳоли фаровонлиги билан боғлиқ барча зиёу мақсадларимиз рўёбга чиқади.

Фарғона тажрибаси сифатида мамлакатимиз бўйлаб оммалаштирилиш режалаштирилаётган "маҳаллабай" тизимининг жорий этишдаги муҳим устувор вазифалар ана шу жиҳатлари билан ҳам аҳамиятлидир.

Ботир МАДИЁРОВ,
Маъсуджон СУЛАЙМОНОВ.

БАРЧА МАСАЛА ЖОЙИДА ҲАЛ БЎЛАДИ

Марғилон – юртимизнинг кўҳна шаҳарларидан бири ҳисобланади. Бугунги кунда 238 мингдан ортиқ аҳоли истиқомат қилади. Шаҳарда истиқболли лойиҳалар асосида ҳудудни ривожлантириш бўйича манзилли ишлар давом эттирилмоқда. 54 та маҳалла фуқаролар йиғинида "Темир дафтар", "Аёллар дафтари" ва "Ёшлар дафтари" бўйича сезиларли ишлар бажарилмоқда.

"Ёйилма" маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи Зойиржон Зайлобиддинов ёш тадбиркорлардан. У ўз хонадонида мебель ишлаб чиқариш цехини ташкил этган. Айни кунларда йигирма турдан ортиқ маҳсулотлар ички бозорга етказиб берилмоқда. 10 нафар маҳалла ёшлари иш билан таъминланган, дарду ташвишини эшитяпмиз. Аксарияти бундай эътибордан хурсанд бўлишмоқда.

Шаҳноза Сулаймонова "Янгиобод" маҳалла фуқаролар йиғинида яшайди. Бу кизнинг ғайратига қойил қоласиз. Икки йил аввал пайпоқ ишлаб чиқариш тармоғини ишга туширди. У боғчилигидаги "Жаҳон ичра" оилавий корхонасида 8 нафар қизлар меҳнат қилади. Ижарада турганлиги унинг янги ғояларига тўсиқ бўлмади. Республика ишчи гуруҳи аъзолари маҳаллада ўрганишлар чоғида унинг муаммосини тинглаб, ечим топишди. Марғилон шаҳридаги "Ёшлар кичик саноат зонаси"да Шаҳнозанинг лойиҳаси учун ер майдони ажратиб берилди. Унга 600 миллион сўм кредит ажратилаётган бўлди.

Бугун маҳаллаларда тадбиркорликни йўлга қўйиш истагида юрганлар кўплаб топилади. «Маҳаллабай» ишлаш тизимида тадбиркорликни ривожлантириш, бу йўлдаги тўсиқларни бартараф этиш, ишсизларни касб-ҳунарга ўргатишга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Шаҳарда ташкил этилган штаб томонидан қунлик ўрганишлар тахлил қилиниб, муаммоларни бартараф этиш тадбирлари белгиланмоқда.

М. МЎМИНОВ.

"АЁЛЛАР ДАФТАРИ":

МУАММО, ЕЧИМ ВА НАТИЖА

Президентимиз раислигида 2020 йил 8 октябрь куни жамиятда аёллар ва ёшларнинг ролини ошириш ҳамда бандлигини таъминлаш чора-тадбирлари муҳокамаси юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида аҳолини жиҳатий қўллаб-қувватлаш мақсадида модий ёрдам ва кўмакка муҳтож оилалар рўйхати, яъни ҳар бир маҳалла, туман, шаҳар ва вилоят кесимида "Ёшлар дафтари" ва "Аёллар дафтари"ни шакллантириш вазифаси белгиланган эди.

Жорий йил 8 январь куни эса Вазирлар Маҳкамасининг "Хотин-кизларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги карори қабул қилинди ва ижтимоий аҳволи, турмуш шароити оғир, ишсиз хотин-кизларни ҳар томонлама ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва химоя қилиш, уларга давлат томонидан мансилли тарзда қўмаклашиш тизимини жорий килиш чора-тадбирлари белгилаб берилди. "Маҳаллабай" ўрганишлар чоғида ишчи гуруҳлар айнан ана шу ҳуқуқий меъёрлар нуқтаи назаридан ҳам ёндашдилар.

"Ёшлар дафтари", "Аёллар дафтари", "Темир дафтар"лар юртимиздаги ишсизликни камайтириш, тадбиркорликни ривожлантириш, ижтимоий химоянга мухтожларга кўмаклашиш, умуман, камбағалликни қисқартириш йўлида олиб борилаётган кенг кўламли саъй-ҳаракатларни англатади.

Бугунлай янги тизим, манзилли чора-тадбирлар мажмуини ифодаловчи бу "дафтар"лар жамиятимиз ҳаётига қандай ўзгаришларни олиб кирмоқда? Режалаштирилган мақсад-муддоолар қоғозларда қолиб кетмаяптими?

– "Аёллар дафтари"ни шакллантириб олиш ўзига хос мураккаб жараён, — дейди Махалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари Дилнозахон Эргашева. – Ўтган йил охирида туман-шаҳарларимиздаги ҳар бир маҳалла, хонадонлар кесимида таҳлил-хатлов ишлари олиб борилди. Ҳар томонлама ва изчил ўрганиш асосида вилоятимиздаги туман тоифадаги 47554 нафар хотин-кизлар танлаб олинди. Яъни ижтимоий химоянга мухтож, ишсиз, бокувчисини йўқотган, эҳтиёжманд, турар-жойсиз, Ўзиногирон ёки карамогиданогирон болалари бор, шунингдек, тиббий, ҳуқуқий ва психологик кўмакка зарурати бор 30 ёшдан ўтган аёллар рўйхатга киритилди. Эндиликда мазкур дафтар бўйича чора-тадбирлар белгиланиб, мутасаддилар томонидан амалий ишлар олиб борилмоқда.

Ҳуқуқий ёрдам олишга ёки психологик маслаҳатга мухтож аёллар билан суд-ҳуқуқ тизими масъуллари, ҳудудлари рухшунослар учрашади. Мисол учун, ҳафтанинг шанба куни "Ҳуқуқий кун" сифатида белгилаб олиниб, суд раислари, адлия мутахассислари томонидан маҳалларда тизимда тушунтириш ишлари олиб борилянти. Тадбиркорликни йўлга қўйиш, интиёзли кредит олиш истагидаги аёллар учун махсус ўқув курслари ташкил этилмоқда. Секторлар масъуллари билан ҳамкорлик қилувчи "Аёллар маслаҳат кенгаши" бу борада асосий кучга, том маънода хотин-кизларимизнинг якин маслаҳатчўйиси айланиб бормоқда.

– Томорқа – даромад манбаи. Лекин ҳаммаям ўз томорқасидан унумли фойдаланмайди, – дейди Бешарик туман махалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи Ўринбосари Дилрабо Ғофурова. – Дастлабки босқичда вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгаши ҳамда туман хокимлиги билан ҳамкорликда туманимиздаги "Ворух Дашт" МФЙ Адиробод массивидаги бўш майдонда 20 гектар ер ажратилди. Ер ерда "Адиробод ғунчалари" кооперацияси ташкил килинди, кудук казиб сув чикарилди, мини трактор билан таъминланди. "Аёллар дафтари"га киритилган 100 нафар хотин-кизларнинг ҳар бирига 20 сотихдан ер ажратиб берилди. Ҳозир бу ерлар ҳайдалиб, текислаш ишлари олиб борилмоқда. Экиладиган кўчаталарни ҳам Аёллар жамғармаси ҳисобидан олиб берамиз. Бог орасида деҳқончилик килиш мумкин.

Тиббий химоянга мухтож аёлларнинг барчаси кўринкдан ўтказилиб, тоифаларга ажратилди. Ишчи гуруҳ томонидан мухим ҳаррожлик муолажалари ўтказилиб зарур деб топилган аёлларга модий ва маънавий кўмак кўрсатилади.

– Ўч нафар фарзандим бор, 12 ёшли тўнғичимиз II гурух ногиронги. Уни даволатишга, дори-дармонга маблағимиз етмай колган пайтлар кўп бўлган, – дейди "Янгикўрғон" МФЙда истиқомат қилувчи Олмосхон Жўраева. – Турмуш ўртоғим мавсумий ишлар билан банд, доимий иш ўрнига эга эмас. Оиламиз комиссия томонидан ўрганилиб, Адиробод массивидан 20 сотих ер ажратиб беришди. Жуда хурсанд бўлдик. Энди бизнинг ҳам даромад манбаимиз бор. Бу йили кўчатлар орасига ловия ва нўхат экмоқчимиз. Қиздирилган меҳнат килиб даромад олишга, ўғил охиригача "дафтар"дан чикишга харакат киламиз. Кўрсатилаётган эътибордан миннатмиз.

Мухими, кортошкаримизда шукронолик хиссини уйғотиш, бокимандалик кайфиятини йўқотишимиз керак. Шундай хотин-кизларимиз борки, барча кийинчилик-муаммоларни сабот билан енгиб ўтишга одатланган, бирорга зорланишга ўрганмаган. Аслида, аэлдам мехнаткаш, оилапарвар аёлларимизга маълум йўналиш, ғоя берилса бўлди, албатта, уддасидан чикишади.

– Уй-жойимизнинг кадастр хужжатларини расмийлаштиришда бир канча муаммога дуч келгандим. Бу ишга масъул вакиллар келишиб, тушунмаган масалаларимизга ойдинлик киритишди. Уларнинг маслахати, йўл-йўриклари билан ҳамма хужжатларни тайёрлай, ишни охирига етказдим. Неча вақтдан бери сарсон бўлиб юргандим. Барчасига рахмат, – дейди Фуркат тумани "Чек чувалдок" МФЙда истиқомат қилувчи Анорахон Норқўзиева.

Бугун юртимизда эзгу ташаббус, яхши ниятлар кўзланган чора-тадбирлар канот ёзмоқда. Ҳали қилинажак ишлар кўп. Натижалар эса фуқароларимиз, хусусан, аёлларимизнинг қалбидаги миннатдорлик ва розилик, юзларидаги табассумга жар жиҳатдан боғлиқ.

Ҳаётжон БОЙБОБОЕВ.

ТОМОРҚА — фаровонлик омили

Президентимиз барча даражадаги раҳбарларга фаолияти давомида маҳалладаги мавжуд ҳолатни ўрганиш, ҳар бир ҳудудни иқтимоий-иқтисодий жиҳатдан ривожлантириш, маҳалланинг "ўсиш нуқталари"ни аниқлаш бугунги куннинг муҳим вазифаси сифатида белгилаб бераётгани бежиз эмас.

"Маҳаллабай" ишлаш бўйича ташкил этилган янги тизим, аҳоли муаммоларини тўлаконли ўрганиш, амалий ёрдам кўрсатиш, тадбиркорлик ва касбга ўқитиш, интиёзли кредитлар орқали бандликни таъминлаш, камбағалликни қисқартириш имкониятини бермоқда.

Бувайда туманидаги "Найман" маҳалла фуқаролар йиғинига "Баҳор эрта келадиган кишлоқ", дея таъриф беришади. Ташқарида киш заблига олиб турган бўлса-да, наймانлик томорқачилар баҳор тафтига монанд ишлаш ҳадисини олган. Азалдан деҳқончилик, боғдорчилик ва чорачилик билан шуғулланиб келган маҳалла аҳли ҳар қарич ернинг қадрига етади, меҳнатига яраша ҳосил олади. Маҳалласда ерга меҳр берган 5 минг нафарга яқин томорқа ер эгалари яшайди.

Ҳар бир хонадон иситиш тизими, электр энергия талаб қилмайдиган кам ҳаражатли қўлбола иссиқхонада бодринг, булғор қалампири, баклажон, помидор сингари сабзавот кўчаталари етиштириди. Кўчаталар ички эҳтиёждан ортиб, қўшни Андижон, Наманган вилоятларидаги сабзавоткорларга ҳам етказиб берилади.

Мавлуда Холмирзаева "Темир дафтар"га киритилган оила бекаси. Хўжалигида томорқа экин майдони бор, лекин тонгани рўзғордан ортмайди. Мутасаддилар бу оилага субсидия асосида иссиқхона қуришга ёрдам берди. Бугун оила аъзолари фойдали меҳнат билан машғул. Иссиқхонада сара сабзавот кўчаталарининг ривожи авжида. Дастлабки ҳосил-китобларга кўра, биринчи ҳосилдан 10 миллион сўмдан ортиқ даромад олишни кўлаб турибди. Дилором Кодиров якка-ёлғиз, меҳнат қилишдан қочмайди. Аммо томорқани суғориш учун сув таъминотида ўзига хос муаммолар бор. Бандликка кўмаклашиш маркази туман бўлими хонадонга сув насоси олиш учун амалий ёрдам берди.

Узоқ йиллар чорвачилик хўжалигида ишлаб нафақага чиқкан Абдурашид Акрамов уста томорқачи. Кексалик бекорчилик эмас. Оилабоши томорқа юмушларини бажаришда фарзанд ва набираларига бош. Хонадон томорқасининг ҳар қаричи хосб-китобли. Еттн сотих суньий иссиқхоналардаги сабзавот экинлари ҳосил чўғидан далолат бериб турибди. Томорқачи ўз иш тажрибасини маҳалла, кўни-кўшнилар билан баҳам кўриши, маслаҳат, йўл-йўрик беришни канда килмайди.

— Бу, биринчи ҳосилимиз, — дейди Абдурашид ака пленка остида бўй кўрсатиб турган бодринг кўчаталарини кўлига олиб. — Ўтган йили 40 миллион сўмдан ортиқ соф даромад олдик. Машина, уй-жой, тўй-хашам мана шу меҳнат ва изланишларимиз маҳсули. Бир дона бодринг кўчатининг бугунги баҳоси 1000 сўм. Бошка сабзавот кўчаталарининг ҳам бозори чаққон. Ҳар бир ютуқ ортида меҳнат машаққатлари бор. Ерни тайёрлаш, уруг қадаш, совуқ кунларда тунларни бедор ўтказиш талаб этилади. Томорқачиликнинг бу сирлари қоидасига амал қилмай туриб бирон-бир ижобий натижага эришиб бўлмайди.

— Ҳудудимизда йирик ишлаб чиқариш тармоқлари йўқ, — дейди маҳалла фуқаролар йиғини раисининг оила, хотин-кизлар ва ижтимоий-маънавий масалалар бўйича ўринбосари Ашурой Исломова. — Лекин бу ишсизлик келиб чиқиши учун асос бўлиб қолаётгани йўқ. Икки отсих экин майдони бўлган одам камбағал, бекорчи бўлмайди. Шу боис ҳар бир масалага уйма-уй, маҳалладай асосида ечим топишга ҳаракат киляпмиз. Бекор юрган одам, бўш колган томорқа майдони йўқ. Йилнинг тўрт фаслида кафтдек ердан унумли фойдаланаётган томорқачилар сафи кундан кунга ортиб бормоқда. Шу кунга қадар 33 нафар кам таъминланган оилалар муқим даромад манбаига эга бўлгани боис "Темир дафтар"дан чиқарилди. Айни кунда 22 нафар ишсиз хотин-кизларнинг 11 нафарига субсидия орқали иссиқхона қуриб берилиб, бир нафарига тадбиркорлик фаолияти учун кредит ажратиш, бир нафари қайта касбга ўқитиш учун йўналтирилди, колганларга ҳуқуқий, психологик маслаҳатлар берилди.

Маҳалладаги 864 та хонадондаги 40 гектардан ортиқ томорқа эгалари йилига кунига қадар тумандаги 36 та маҳалла фуқаролар йиғинида "Бир маҳалла — бир маҳсулот" тамойилига асосланиб, томорқачилик аньаналарини ривожлантириш, ташаббусларни қўллаб-қувватлашга эътибор қаратяпмиз. Жумладан, "Найман" МФЙ помидор, бодринг кўчатлари, "Оқўрғон" МФЙ шолғом, редиска, "Юқори Мангит" маҳалласида кулупнай, "Беглар"да лимон етиштириш бўйича тажрибалар оммалаштирилмоқда.

Туманда 450 дан ортиқ янги иссиқхоналар қурилиб, жами 1 минг 183 тани ташкил қилди. Ташаббус билан чиқкан 389 та фермер хўжалиги томорқа майдонларини ҳайдаш, мевали дарахтлар, сабзавот уруғларини етказиб бериш эвазига 3 минг 377 та хонадонга кўмаклашмоқда. Барча худудда кичик ҳажмли музлаттичлар, "Экодўкон"лар ташкил этилди.

Серҳосил еримиз, даромад олишга томорқамиз бор экан, ундан доимо унумли фойдаланишимиз лозим. Дунёда ҳаракатсиз бой бўлган давлат ҳам, хонадон ҳам йўқ. Ҳамма нарса меҳнат, изланишга боғлиқ. Ким меҳнат қилса, роҳат кўради.

Расулжон КАМОЛОВ.



Суратларни Мукимжон ҚОДИРОВ ва Шерзод ҚОРАБОЕВ олган.

ИШСИЗ ЁШЛАР

«маҳаллабай» ўрганиш чоғи аниқланиб, рўйхатга олинди. Энди уларга иш ўринлари изланмоқда.

ЁШЛАР ИШЛАРИ АГЕНТЛИГИ Риштон тумани бўлими бошлиғи Муроджон АЛИЖОНОВ ҳаммаҳалладаги туманда "Ёшлар дафтари" тизими бўйича олиб бориладиган ишлар билан таниқлиб. Июл-йўлакай у ноябрь, декабрь ойларида махсус ишчи гуруҳи уйма-уй юриб, **"Ёшлар дафтари"**ни шакллантиргани ва унга **18 ёшдан 30 ёшга ўтган ишсиз**, ижтимоий химоя ва ижтимоий-психологик ёрдамга мухтож **3882 нафар** ёшлар киритилганини айтди.

Дастлаб касбга ўқитиш марказида бўлдик. Бу ерда 84 нафар ёшлар пайвандчилик, тикувчилик, ошпазлик, аёллар ва эркаклар сартароншилиги касбига ўқитилаётган экан.

– Мен пайвандчилик касби бўйича машғулотлар олиб борямман, – дейди ўқитувчи Сайфиддин БОБОЕВ. – **Ёшларнинг касб ўрганишга иштиёқлари баланд. Бу мени ҳам дарсларни пухта ўтишга ундаяпти.**

Касб ўрганаётган ёшларни суҳбатга тортамиз.

– Ёшлигимдан электр сохасига қизиқаман, – дейди Зохидон қишлоғилик Дилшоджон ТУРДАЛИЕВ. – **Шунинг учун пайвандчилик касбини ўрганяпман. Ўқиш бепул, стипендия бериляпти. Келгусида корхона ва ташкилотларда пайвандчи бўлиб ишлаш ниятим бор.**

Марказда аёллар сартароншилиги касби бўйича ўқишлар ўтган йилнинг декабрь ойида бошланган эди. Ҳаммаси 10 нафар хотин-кизз ўқишни тугатиб, сертификатгга эга бўладилар.

– Ўтган ойларда устозимиз Камола Юсуповадан кўп нарса ўргандим, –дейди Гулсанам ҚОМИЛОВА. – **Кўпимдан унча-мунча иш келиб қолди. Бўш пайтимда уйда синглиларимнинг, қўни-қўшиларнинг сочларини тўғрилаклб кўйяпман. Бундан ота-онам ҳам хурсанд. Сертификатга эга бўлсам, қишлоғимизда "Гўзаллик салони" очишни мўлжаллаб турибман.**

Якка тартибдаги тадбиркор Нозимжон Ганиевнинг савдо маркази бор. Унга ўтган йилнинг охирида тадбиркорликка қизиқкан 4 нафар ёш бириктирилди. Айни кунда улар савдо марказида иш ўрганишмоқда.

– Андижон машинасозлик институтини тамомлаганман, – дейди Чўлпиғулистон кишлоғилик Ҳумоюн СОТИБОЛДИЕВ. – **Бир неча йилдан бўён ишсиз эдим. "Ёшлар дафтари"га киритилганимда, ҳаётимда ўзгариш бўлишига ишонмагандим. Ҳозир савдо маркази ундирув бўлимида ишлаяпман. Ойлик маошим 1 миллион 500 минг сўм.**

"Ёшлар дафтари"га киритилганларнинг кўпчилигини ишсиз ёшлар ташкил этади. Айни кунда туманда бу борада ҳам муайян ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, шу кунгача ишли бўлганлар 154 нафарни ташкил этмоқда. Булар орасида хожикишлоқлик Шохиста РАХИМОВА ҳам бор.

– Оилаламан, 2 нафар фарзандим бор, – дейди у. – **3 йилдан буён ишсиз эдим. Январь ойининг бошида аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази қабул қилиб, мутахассисларим бўйича 2-мактабгача таълим ташкилотига ишга таклиф этишди. Айни вақтда ёрдамчи тарбиячи бўлиб ишлаяпман.**

Ёшлар ишлари агентлиги туман бўлими бошлиғи Муроджон Алижоновнинг кўл телефони тез-тез жиринглади. У билан тумандаги корхона, ташкилот вакиллари боғланиб, ёшларни иш билан таъминлаш, касбга ўқитиш, бизнес ташаббусларини кўллаб-қувватлаш, тадбиркорликка йўналтириш ва ижтимоий муаммоларини ҳал этиш бўйича ахборот алмашардилар. Бундан "Ёшлар дафтари" барчанинг бирдек диққат-марказида эканлигини англаш мумкин эди.

Асқар ТУРСУНОВ,
"Фарғона ҳақиқати" мухбири.

Экспорт –
ЮРТ ШАЪНИ

ДАНҒАРА ПОМИДОРИ РОССИЯ БОЗОРИДА ХАРИДОРГИР

2020 йили Данғара туманида 16,8 миллион доллар миқдорида саноат ва мева-сабзавот маҳсулотлари экспорт қилинди.

Инвестиция дастури доирасида тадбиркор Умиджон Хўжамбердиев ташаббуси билан "Real kabel invest" МЧЖда 2 гектар майдонда гидропоника усулида иссиқхона ташкил этилиб, энг замонавий технологиялар ёрдамида маҳсулот етиштириш йўлга қўйилди. Умумий қиймати 14 млрд. 886 млн. сўм бўлган лойиҳа доирасида 45 та доимий ҳамда 20 дан ортиқ мавсумий иш ўринлари яратилди. Иссиқхонада жаҳон бозорида харидоргир маҳсулот етиштирилиб, ўтган йили Россияга 700 минг долларлик помидор экспорт қилинишига эришилди.

— Ўзбекистонда етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экологик жиҳатдан тозалиги, ширин таъми ва дармондориларга бойлиги билан алоҳида ажралиб туради, — дейди иссиқхона агрономи, туркиялик тажрибали мутахассис Мезгим Женгиз. — Ҳозирги кунда табиий қуёш нурида, очиқ майдонларда ҳам маҳсулот етиштириш устида илмий изланишларни давом эттириб, экспорт географиясини Европа қитъаси бўйлаб кенгайтириш учун маркетинг ишлари олиб борилмоқда.

Ботир МАДИЁРОВ.

ЭЪТИБОР ва РАҒБАТ

АСАЛАРИЧИЛИКНИНГ ДАРОМАДИ

Болалигимдан уйимизда асалари боқамиз

9-синфни тамомлаб, Қува касб-ҳунар мактабининг асаларичилик йўналишига ўқишга кирдим. Ҳозирги кунда устозимиз Абдуқодир Жўраев кўмагида назарий ва амалий билимларни ўзаро уйғунлаштириб, соҳа сир-асрорларини қунт билан ўрганяпман.

Касб-ҳунар мактабининг ўзида 19 гектар майдондан иборат ўқув-тажриба хўжалиги мавжуд. Шунингдек, таълим даргоҳига яқин бўлган бир неча боғдорчилик фермер хўжаликлари билан амалий ҳамкорликни йўлга қўйганмиз.

Ўқитувчимиз амалий машғулотлар жараёнида асалари уялари, яшиклар ясаш, турли касалликларга қарши курашиш бўйича ҳаётий сабоқлар бермоқда. Ўзаро шартнома асосида асалари жиҳозлари тайёрлаб бериш ҳамда асалари оилаларини кўпайтириб сотишни режалаштиряпмиз.

Бу борада кўзим пишиб қолганини кўрган отам хонадонимиздаги 4 қути асалари парваришини тўлиқ ўзимга ишониб топширяпти. Асаларининг даромади яхши, уялар сонини кўпайтириб, катта тадбиркор бўлиш ниятидаман.

Дониёр ОДИЛЖОНОВ,
Қува тумани касб-ҳунар мактаби ўқувчиси.

Суратларни Шерзод ҚОРАБОЕВ олган.

Долзарб
МАВЗУДА

Ёшлар ўртасидаги битта жиноят ҳам – ФОЖИА

«Чорбоғ» маҳалласида яшовчи мактаб ўқувчиси А. Н. жиноятга қўл урди. У ярим тунда уч нафар ўртоқлари билан спиртли ичимлик ичиб, улфатчилик қилади. Уй эгасининг ухлаб қолганлигидан фойдаланиб, унинг автомашинасини олиб қочган. Кўчада турган икки нафар ўртоғини ҳам машинага ўтқазади. Маст ҳолатда автомашинада Яккатут қишлоғи ҳудудидан ўтган Андархон-Фурқат йўналиши бўйлаб ҳаракатланиб, бошқарувни йўқотиб, йўлнинг чап томонида бўлган ўрик дарахтига урилади. Натижада енгил тан жароҳатлари олиб, ҳодиса жойидан қочиб кетган.

Жиноят ишлари бўйича Бешариқ туман суди томонидан 11-синф ўқувчиси — вояга етмаган шахснинг жиноий иши кўриб чиқилди. Унга шартли ҳукм қўлланиб, икки йил синов муддати тайинланди. Жабрланувчига етказилган моддий зарар ундириладиган бўлди. Хўш, ҳали мактабни битирмаган бу ёш ўспирин нега жиноят содир этди?

Маҳалла, мактаб ва бошқа масъул идоралар унинг тарбиясига нега эътибор қаратмади?

Бу каби саволларнинг туғилиши табиий. Биз "Чорбоғ" маҳалла фуқаролар йиғини раиси Феруза Қамбарованинг бу борадаги фикри билан қизиқдик.

— Жиноятни содир этиш омил ва сабаблари маҳалламизда чуқур муҳокама қилинди, — дейди маҳалла раиси. — Ўзим бу болага мураббийман. Ота-онаси савдогарлик билан шуғулланиб, фарзанд тарбиясига эътиборсиз бўлган. Ҳатто туни билан қаерда юриши билан қизиқмаган. Албатта, бунда маҳалланинг айби бор. Ҳозирда бу ўқувчи назоратимизда. Мактабларда ўтказилаётган тадбирларга жалб қиляпмиз.

Ёшлар ўртасидаги битта жиноят ҳам аслида фожиа. Бунга асло бефарқ қараб бўлмайди. Бугунги кунда тирикчилик важи билан аксарият оилаларда фарзанд тарбиясига эътибор сусайди. Айрим ота-оналар болаларини назоратсиз қолдириб, йиллаб хорижда ишлайди. Мутахассисларнинг фикрига кўра, вояга етмаганлар ўртасида содир этилган жиноятларга фарзандлар тарбияси билан ота-оналар етарли даражада шуғулланмаслиги, оиладаги доимий жанжаллар сабаб бўлмоқда.

Маҳаллани жиноятдан холи ҳудудга айлантириш осон иш эмас. Бугунги кунда Бешариқ туманида 62 та маҳалла фуқаролар йиғини бор. Ўтган йилда 58 та маҳаллада жиноятчилик содир этилган. "Юқори Зарқайнар", "Кулолобод" маҳалла фуқаролар йиғинида криминоген вазият оғир.

— Жиноятчиликни жиловлаш ва турли ҳуқуқбузарликнинг олдини олишда маҳалланинг ўрни беқиёс, — дейди туман маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи Гулчеҳрахон Йўлдошева. — Шу боис мамлакатимизда бу тизимнинг жамият ҳаётидаги ролини ошириш, ваколатларини кенгайтириш, ҳар бир маҳаллани жиноятдан холи ҳудудга айлантиришга муҳим эътибор қаратиляпти. Туманимиздаги маҳаллаларда жиноят ва ҳуқуқбузарликлар тизимли равишда маҳаллада муҳокама қилиняпти. Таъсир чораси — "жамоатчилик иззаси" қўлланилмоқда. Аммо, тан олиш керак, қилинаётган бу саъй-ҳаракатларга қарамай, маҳаллаларда жиноятлар, ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар сони камаймаяпти. Таянч пунктларининг фуқаролар йиғини билан бир бинода жойлаштирилиши, профилактика инспекторларининг жамоат тартибини сақлаш бўйича ёрдамчилари штати жорий этилганига қарамай, ҳуқуқбузарликлар профилактикасига оид чора-тадбирлар кутилган натижаларни бермаяпти. Аввало, маҳалла раислари, ўринбосарлари бунда масъулиятни ошириши керак.

Қайсики маҳаллада жиноятчиликнинг олдини олиш учун барча бир ёқадан бош чиқарса, бу иллатга қарши одамларда муросасиз кайфият шаклланса, ўша ҳудудда тинчлик-осойишталик таъминланиб, эзгу ишлар кенг қулоч ёзади. Аҳоли хотиржам ҳаёт кечириб, юртда олиб борилаётган ислоҳотларга ишончи ортади. Аҳоли билан ишлашда "маҳаллабай" тизимининг жорий этилиши жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликнинг олдини олишда ҳам катта самара беради. Энди фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тизимидаги барча масъуллар маҳаллаларда, одамлар орасида юриб, уларнинг муаммоларини ўрганади, аҳолини қийнаётган масалаларга ечим топади.

Маъсуджон СУЛАЙМОНОВ.

Назм бўстони

Мен уларни кечирай, бир қудрат бергин

Фарида Афрўз (Фарида Бўтаева) 1956 йил 5 мартда Қўқон шаҳрида туғилган. 1994 йилдан буён Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси. Унинг "Қирққокиллигим", "Изтироб қўйлаги", "Тунлар исёни", "Кўзим маним...", "Қурбонжон додхоҳ" тарихий драмаси, "Ўзимдан ўзимгача", «Пока есть на земле разлука...», «От Фариды Афруз» (Москва), "Гун айдин" (Истанбул), "Ушшоқ", "Тасбиҳ", "Ўша кун – бугундир" сингари шеърий тўпламлари чоп этилган. Шеърлари турли тилларга таржима қилинган.

Шоира Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати. Учкўприк туманидан депутатликка сайланган Фарида Бўтаева тез-тез туғилиб ўсган юртига ташриф буюради, ҳамюртлари, унга ишонган сайловчиларининг дарду ҳасратини тинглайди, шодлигига шерик бўлади. Бу галги ташрифи чоғида "Фарғона ҳақиқати" газетасига туркум шеърларини илинди.

Дилимни оғритди дилимдагилар,
Туну кун номлари тилимдагилар,
Офтобим шамолим селимдагилар,
Мен уларни кечирай, бир қудрат бергин,
Аллоҳим, меҳрингдан бир хилват бергин.

Заҳарлар келтирди, шароблар тутдим,
Ғийбатлар уйдирди, жавоблар тутдим,
Қасамлар ичдилар, савоблар тутдим,
Мен уларни кечирай, бир қудрат бергин,
Аллоҳим, меҳрингдан бир хилват бергин.

Дастурхон тўримда шарбат тотдилар,
Ўгрилдим, ортимдан тошлар отдилар,
Улар мени бунча осон сотдилар,
Мен уларни кечирай, бир қудрат бергин,
Аллоҳим, меҳрингдан бир хилват бергин.

Душманим айёрдир, пайтлар пойлайди,
Дўстим эса нодон, сувни лойлайди,
Иккиси бир бўлиб кўзим бойлайди,
Мен уларни кечирай, бир қудрат бергин,
Аллоҳим, меҳрингдан бир хилват бергин.

Жонимга жазодир, жонимдагилар,
Кўзимнинг қароғи, қонимдагилар,
Эй, воҳ, бегонадир ёнимдагилар,
Мен уларни кечирай, бир қудрат бергин,
Аллоҳим, меҳрингдан бир хилват бергин.

Аслида дўст ҳам бир душманнинг тури,
Душманнинг энг зўри, душманнинг шери,
Чунки қўлидадир кўнглингнинг сири,
Мен уларни кечирай, бир қудрат бергин,
Аллоҳим, меҳрингдан бир хилват бергин.

Бошимга балодир, балодир кўнглим,
Бир сўзнинг тиғидан яродир кўнглим,
Дўсту душман аро ададир кўнглим,
Мен уларни кечирай, бир қудрат бергин,
Аллоҳим, меҳрингдан бир хилват бергин.

Ўзингдан йўқ ўзга маҳрами жоним,
Ўзингсан Султоним, ўзинг Ҳоқоним,
Ўтда қуйдирмагин икки жаҳоним,
Мен уларни кечирай, бир қудрат бергин,
Аллоҳим, меҳрингдан бир хилват бергин.

* * *

Она ер – туфроқ қолиб,
осмон билан овворамиз,
Жон бериб, жонинг олар,
жон билан овворамиз.
Кўзларингга жовдирар,
сарсон висол, саргашта ишқ,
Ёш тўкиб, йиртиб яқо,
ҳижрон билан овворамиз.
Теграмизда ҳур малаклар,
бири сингил, бири ёр,
Инсоф қолиб, инсон қолиб,
шайтон билан овворамиз.
Отамиз мезбон эди,
оҳ, онамиз мезбон эрур,
Зор этиб ҳар иккисин,
меҳмон билан овворамиз.
Ҳар нафас ёнингда дилдош,
ҳар мушкулотингга ечим,
Яхшилар бунда қолиб,
ёмон билан овворамиз.

Чин ҳақиқат йўли бошқа,
чин вафолиқ ўзгадир,
Ҳақ қолиб, иймон қолиб,
ёлғон билан овворамиз.
Кўнгли уммон кимсаларнинг
жилғасидин сув ичиб,
Роз қолиб, эъзоз қолиб,
тўғон билан овворамиз.
Ҳар кишики, кўзи очдир,
қўр қилар, тўзони ганж,
Йўл кўрсатар сарбон қолиб,
карвон билан овворамиз.
Бизни Ҳақ ҳур айлади,
нур айлади, озод этиб,
Ҳар тарафга қулф уриб,
қўрғон билан овворамиз.
Кимки бизга интизордир,
Фарид Афрўз чин сўзим,
Жоним нисор, чин дўст учун
қурбон билан овворамиз.

* * *

Анча бўлди,
Шеърлар ёзмадим,
Ҳайратларим тугмайди мева.
Ич-ичимда йиғлайди кимдир,
Ёзилмаган шеър каби бева.
Анча бўлди,
Ҳолим паришон,
Аҳволимнинг аҳволи ҳароб.
Айтилмаган сўз каби гирён,
Сарҳуш қилмас минг
йиллик шароб.
Анча бўлди,
Юрагим бўм-бўш,
Вайронадир, ҳувиллар қаср.
Умидларим кўраётир туш,
Илинжларим қул бўлган, аср.
Анча бўлди,
Сендан дарак йўқ,
Нома келмас, сувратлар йиғлар.
Хотирамнинг боғларидан жим,
Қулгуларинг ҳидлари келар.
Анча бўлди,
Яшамай қўйдим,
Танни судрар нимжон руҳият.
Филнинг юкин чумоли тортар,
Ўзлигидан кечган моҳият.
Анча бўлди,
Муҳаббат сарсон,
Қисматига тошлар отади.
Айтилмаган сўз каби гумон,
Отилмаган ўқдай ботади.
Анча бўлди...
Анча бўлди,
Ёмғир ёғмайди,
Тонг отмайди, қуёш ботмайди,
Анча бўлди...
Бу дунё карахт...
Анча бўлди ер айланмайди.

Фарида АФРЎЗ.

ЭЪЛОНЛАР

Қувасой шаҳар 29-ўрта таълим мактабини 2000 йилда тамомлаган Муратов Шахбоз Хусанбоевич номига берилган O'R-A 838170 рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Фарғона нефть ва газ саноати касб-ҳунар коллежи (ҳозирги Фарғона нефть ва газ саноати коллежи)ни 2018 йилда тамомлаган Турсунбоев Дилмурод Дилшоджон ўғли номига берилган К 5216978 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси Фарғона вилояти бошқармаси томонидан 1994 йил 10 декабрь куни Мирзахмедов Иномали номига берилган уй-жойга эгалик ҳуқуқини тасдиқловчи 17-0433 рақамли давлат васиқаси йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Риштон тумани 1-айрим фанларга ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим матабини 2012-2013 ўқув йилида тамомлаган Эрмухаммадов Иззат Шухрат ўғли номига берилган U 4183744 рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Олтиариқ тумани 16-ўрта таълим мактабини 2005 йилда тамомлаган Тешабоева Чўлпоной Азамжоновна номига берилган OR-SH 0012669 рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Фарғона шаҳар "Гулзор" МФЙ ҳудудида жойлашган "Farg'ona billuri" хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати номига берилган думалоқ муҳр ҳамда тўртбурчак тамға йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Фарғона шаҳридаги айрим фанлар чуқурлаштириб ўқитиладиган 21-сонли ихтисослаштирилган давлат ўрта таълим мактабини 2006 йилда тамомлаган Курбанова (Сулейманова) Руфина Талгатовна номига берилган O'R-SH 0486724 рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

ЎТКИР БУҒ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ҚОЗОНИ (ПАРОВОЙ КОТЕЛ) ХАРИДИ БЎЙИЧА ТЕНДЕР ТАНЛОВИ ЎТКАЗИЛАДИ

Фарғона вилояти, Олтиариқ туманида жойлашган "Ўзбекистон темир йўллари" АЖ Қўқон минтақавий темир йўл узели УКГа қарашли Олтиариқ вагонларни буғлаб ювиш корхонасига ўткир буғ ишлаб чиқариш қозони (соатига 6 тонна ўткир буғ ишлаб чиқариш қувватига эга, ишчи температураси Т-180-200 0 С, ишчи босими Р- 0,6-1,6 МПа) сотиб олиш учун 2021 йил 1 март куни тендер танлови ўтказилиши маълум қилинади. Тегишли лойиҳа ва таклифларни 2021 йил 23 февраль кунига қадар тақдим этиш сўралади.

Маълумот ва мурожаат учун телефонлар: 99 040-06-70, 73 432-52-40.
Тендер ўтказиш манзили: Фарғона вилояти, Қўқон шаҳри, Шоҳруҳобод кўчаси, 11- уй.

МУАССИС: ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир: Муҳаммаджон ОБИДОВ

Офсет усулида А-2 форматда (4 бет) чоп этилди. 2007 йил 9 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги Фарғона вилоят бошқармасида 12-001 рақами билан рўйхатдан ўтган.

Газета «Полиграф-Пресс» МЧЖ босмахонасида таҳририятнинг оригинал макети асосида офсет усулида чоп этилди. Манзили: Марғилон шаҳри, Туркистон кўчаси, 236 «Б» уй.

Бизнинг манзил: 150114, Фарғона шаҳри, Соҳибқирон Темур кўчаси, 28-уй.
Бош муҳаррир қабулхонаси: (факс) 73-226-02-70.
Реклама ва эълонлар: 73-226-71-24.

Вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайти www.ferghana.uz

Газетадан материал кўчириб босилганда «Фарғона ҳақиқати»дан олинди деб кўрсатилиши шарт.

Газета таҳририятига юборилган қўлёзма ва суратлар қайтарилмайди.

Газетамиз ҳақидаги муълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг

Босишга топшириш вақти: 19.00. Топширилди: 19.00.

Буюртма: 78
Индекс: 7521
Адади: 11 000

Саҳифаловчи Алишер Розиқов.

ISSN: 2010-8370

Газета сешанба ва жума кунлари чиқади. ■ Баҳоси келишилган нархда. ■ Навбатчи муҳаррир Расулжон Камолов. ■ *Газета сифати учун босмахона масъул.*